# Шухрат Назаров: “Асосий вазифамиз аҳоли турмуш фаровонлиги ва бандлигини таъминлаш орқали одамлар розилигини олишдир!”

Бугун Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров раҳбарлигида катта мажлислар залида навбатдаги “Ҳокимлик соати” бўлиб ўтди. Унда сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг ўринбосарлари, алоқадор ташкилот ва корхоналар раҳбарлари ҳамда маҳаллалар “бешлиги” иштирок этди.

Кун тартибида ижро интизоми, берилган топшириқлар ижроси, куз-қиш мавсуми, аҳолига кўмир етказиб бериш, “Яшил макон” ва қишлоқ хўжалигидаги вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Туман раҳбари Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи давомида берилган вазифалар ижросини қатъий таъминлаш, ҳар бир масалада ижро интизомига қатъий риоя этилиши лозимлигини таъкидлади.

Ҳар бир масала юзасидан масъулларга вазифалар белгилаб берилди.